

6-Мавзу. Хизмат ва махсус уй-жойларни бериш ва ундан фойдаланиш

Р Е Ж А

Кириш

1. Хизмат турар жойлари ва уларнинг турлари
2. Муниципал, идоравий ва мақсадли фойдаланиладиган коммунал уй-жой фонди турар-жойларидан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси
3. Махсус уйлар ва улардан фойдаланиш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Уй-жой ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу кодексда, бошқа қонунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган асосларда, шунингдек норматив ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилмаган бўлсада уй-жой қонунчилигининг бошланғич негизлари бўйича уй-жой муносабатлари иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатларидан келиб вужудга келади. Шунга мувофиқ, уй-жой ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидаги асосларда вужудга келади:

1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартнома ва бошқа битимлардан;

2) уй-жой қонунчилигида уй-жой ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;

3) суднинг уй-жой ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қароридан;

4) қонун йўл қўядиган асосларда уй-жой биноларини мулк қилиб олиш натижасида;

5) Уй-жой ва уй-жой қурилиш кооперативларига аъзолик натижасида;

6) Уй-жой муносабатлари иштирокчиларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёки қонун ҳужжатлари уй-жой ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида.

Уй-жой кодекси 8-моддаси 3-қисмига мувофиқ, давлат уй-жой фондига қуйидагилар киради:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджетга тушган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан барпо этилган муниципал уй-жой фонди;

- давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўла хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида бўлган идоравий уй-жой фонди;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилган, шунингдек хусусий, муниципал, идоравий уй-жой фондидан олиб уларнинг балансига берилган, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифалари учун хусусийлаштариш ҳуқуқисиз ижара шартлари асосида фойдаланиш учун берилган аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди.

Уй-жой кодексда белгиланган нормадан кўриниб турибдики, давлат уй-жой фонди қуйидаги уч турга бўлинади:

1. Муниципал уй-жой фонди.

2. Идоравий уй-жой фонди.

3. Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди.

1. Хизмат турар жойлари ва уларнинг турлари

Давлат уй-жой фонди уйларидан яна бири хизмат турар жойлари ҳисобланади. Одатда хизмат турар жойлари иш фаолиятини амалга ошираётган ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқидиган категория ҳисобланади ва муайян тоифадаги ходимлар учун ажратилади. УЖКнинг 75-моддаси 1-қисмига кўра, хусусий, муниципал, идоровий уй-жой фонди ёки аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида жойлашган, ўз меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра иш жойига бевосита яқин ерда яшаши керак бўлган фуқаролар кўчиб киришига мўлжалланган турар жойлар хизмат турар жойлари деб ҳисобланади.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган, меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган шахсларга, ҳарбий хизматчиларнинг айрим тоифаларига, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатдаги бошқа шахсларга бериладиган турар жойлар ҳам хизмат турар жойларига киритилиши мумкин.

Белгиланган тартибда оилавий болалар уйи ташкил этилганда тарбиясига олинган болалар билан биргаликда яшаши учун тарбиячи-ота-она этиб тайинланган фуқароларга хизмат уйи ёки хизмат квартираси берилади.

Хизмат турар жойларидан ўз мақсадида фойдаланилади.

Хизмат турар жойлари меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатига ёки хизмат даврига, сайлаб қўйиладиган лавозим муддати тугагунга қадар берилади.

Хизмат турар жойлари меҳнат шартномаси асосида ўз яшаш жойидан олисга ишга сафарбар этилганда, янги лавозимга тайинланганда тақдим этилади. Мазкур хизмат турар жойларидан шартноманинг амал қилиш муддати ёхуд сайлаб қўйилган лавозим муддати мобайнида фойдаланиш мумкин. Бу борада ЎзР ВМнинг 2000 йил 27 январда “Хизмат турар жойлари бериш тартиби тўғрисида Низом” қабул қилинган. Ушбу низомга кейинчалик 2010 йил 8 ноябрдаги ЎзР ВМнинг 247-сон Қарори билан ўзгартириш киритилган.

Давлат ва хусусий уй-жой фонди уйларида жойлашган, ўз меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра иш жойига бевосита яқин ерда яшаши керак бўлган фуқаролар кўчиб кириши учун мўлжалланган турар жойлар хизмат турар жойлари деб ҳисобланади.

Уй-жойнинг идоровий бўйсунушидан қатъи назар, турар жойни хизмат турар жойларига киритиш ушбу турар жойлар мулки бўлган ёки бошқарувида бўлган корхона, муассаса, акциядорлик ташкилоти ёки жамоат ташкилотининг тавсиясига кўра давлат уй-жойи ёки хусусий уй-жойни тақсимлаш режасига мувофиқ жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади.

Хизмат турар жойларига киритиладиган турар жой яшаш учун яроқли бўлиши ҳамда санитария, техника ва ёнғинга қарши талабларга жавоб бериши керак. Хизмат турар жойларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган

фуқароларнинг рўйхати Ўз ВМ нинг 2000 йил 27 январ № 24 қарорига 2 илова сифатида киритилган. Хизмат турар жойларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари (ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз кексалар учун интернат-уйлар)нинг буғқозон қурилмалари операторлари.

2. Насос станциялари, йирик гидроузеллар ва тўғонларга хизмат кўрсатувчи навбатчи техниклар, машинистлар, электр техниклар.

3. Коммунал хизмат кўрсатишнинг сув оқизиш-канализация ва газ хўжалиги авария-диспетчерлик хизматлари усталари, слесарлари.

4. Йўл ораликлари усталари, тузатувчилари.

5. Газдан муҳофаза қилиш хизмати ходимлари.

6. Сув хўжалиги фойдаланиш участкалари бошликлари, гидроиншоотларнинг тартибга солувчилари ва гидростларнинг кузатувчилари, участка гидротехниклари ва гидроўлчовчилари.

7. Кабелли (радиореле) кучайтириш пунктларига хизмат кўрсатувчи навбатчи техниклар, радио ва телевизион станцияларга, шунингдек, қишлоқ жойлардаги махсус объектларга хизмат кўрсатувчи электр механиклар.

8. Электр тармоғлари ва ёрдамчи станцияларнинг навбатчи муҳандислари, кабелли тақсимлаш тармоғларининг навбатчи муҳандислари ва техниклари.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қишлоқ жойлардаги даволаш-профилактика муассасаларининг участка врач-терапевтлари, педиатрлари.

Ногиронлар ва қариялар уйларининг ҳамда ақлан заиф болалар учун ногирон болалар уйларининг директорлари, врач, (фельдшер)лари, катта тиббиёт ҳамширалари, шунингдек, ушбу болалар уйларининг тарбиячилари, санаторийлар ва дам олиш уйларининг бош врачлари, врач (фельдшер)лари, хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ҳамширалари.

10. Оилавий болалар уйининг тарбиялаш учун уларга берилган болалар билан бирга яшовчи ота-она-тарбиячилари.

11. Ўрмон, қўриқхона, заказник (дахлсиз ўрмон қўриқхонаси), овчилик хўжалиklarининг директорлари, ўрмон хўжалиги ходимлари, ўрмон кезувчилари, ёлланган овчилари.

12. Бошқа жойлардан вақтинчалик таклиф этилган олий тоифали тренерлар ва спорт усталари.

13. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясининг меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра бевосита иш жойи яқинида яшаши керак бўлган ходимлари.

14. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва профессионал ёнгин хавфсизлиги ходимлари.

15. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг казарма - уй-жой фондига ҳамда коммунал иншоотларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ишчи ва хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси

Қуролли Кучларининг зобитлар таркибидаги шахслар, прапоршчиклар, мичманлар ва белгиланган муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчилари.

16. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг туман, шаҳар ички ишлар бўлим (бошқарма) лари бошлиқлари жазоларни ижро этиш муассасаларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари.

17. Ички ишлар органларининг шахсий таркиб бўйича махсус инспекция ходимлари хизмат кўрсатиладиган участка ҳудудидаги профилактика бўйича инспекторлари.

18. Ўзбекистон Республикаси туман, шаҳар, вилоят судларининг, Олий суди ва ҳарбий судларининг судьялари.

19. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, Тошкент шаҳри хўжалик судларининг ва Олий хўжалик судининг судьялари.

20. Президент Девони, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибиятининг аппаратлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар аппаратининг бошқа минтақалардан таклиф этилган масъул ходимлари.

21. Депутатлар, Тошкент шаҳрида турар жойга эга бўлмаган Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва унинг ўринбосари.

22. Қишлоқ жойлардаги алоқа бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари.

2. Муниципал, идоравий ва мақсадли фойдаланиладиган коммунал уй-жой фонди турар-жойларидан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси

Фуқаролик Кодексининг 600-моддасида уй-жойни ижарага бериш шартномасига мувофиқ уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) бошқа тарафга (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади. Уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланиши мумкин. Хусусий уй-жой фонди уйларидан хизмат турар жойлари берилганда уй эгаси билан иш берувчи ўртасида қонунда белгиланган тартибда уй-жойни ижарага олиш шартномаси тузилади.

Ҳамма уй-жой ижара шартномалари каби хизмат турар жой ижара шартномаси ёзма равишда тузилиб, ушбу шартга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

ЎЗР ВМнинг 2000 йил 27 январда “Хизмат турар жойлари бериш тартиби тўғрисида Низом” га биноан хизмат турар жойлари у ёки бу шахсга иш берувчининг тавсияномасига кўра берилади. Ушбу тавсиянома меҳнат

шартномаси нусхаси ва турар жойнинг ҳуқуқий тегишлилиги тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига тақдим этилади. Жойлардаги давлат ҳокимияти органи томонидан қабул қилинган қарор асосида фуқарога белгиланган шаклдаги хизмат турар жойига далолатнома берилади, ушбу далолатнома ижара шартномаси бўйича берилган хизмат турар жойига кўчиб кириш учун ягона асос ҳисобланади.

Хизмат турар жойига кўчиб кириш муниципал, идоравий уй-жой фонди ёки аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди уйларида жойлашган турар жойлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хизмат турар жойига кўчиб киришга далолатнома жойлардаги давлат ҳокимияти органининг қарорига аниқ мувофиқ ҳолда турар жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими томонидан ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органи томонидан тайинланадиган махсус тайинланган мансабдор шахс томонидан берилади.

Далолатнома амалда бўш турган хизмат турар жойигагина берилиши мумкин.

Далолатнома бевосита хизмат турар жойи берилаётган фуқарога, ёки, истисно ҳолларда (касаллик, хизмат сафари), белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома бўйича бошқа шахсга берилиши мумкин.

Далолатномани олишда паспорт (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома) ёки далолатномага киритилиши керак бўлган оиланинг барча аъзолари учун паспортнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

Ҳарбий хизматчилар паспортсиз яшайдилар. Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномаси асосида яшайдилар.

Хизмат турар жойига далолатнома бериш оиланинг ҳақиқий таркиби турар жой бериш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган таркибга мос келмаган тақдирда мазкур жойлардаги давлат ҳокимияти органининг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

Агар фуқаро эгаллаб турган лавозим хизмат турар жойлари олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига кирмаса, фуқароларга хизмат турар жойига кўчиб киришга далолатнома берилишига йўл қўйилмайди.

Идоравий қарашлилигидан қатъи назар, хизмат турар жойларини ҳисобга олиш ва ушбу жойларга берилаётган далолатномаларни рўйхатдан ўтказиш жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Берилган хизмат турар жойига кўчиб кирилгандан ва рўйхатдан ўтказилгандан кейин далолатнома иш берувчига топширилиши ва қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат сифатида сақланиши керак.

Хизмат турар жойи мулкдори ёки у томонидан бунга вакил қилинган орган (бошқарувчи ташкилот) билан номига ишончнома берилган фуқаро

ўртасида хизмат турар жойини сақлаш ва ундан фойдаланишга доир ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва хизмат турар жойини ижарага олиш шартномаси билан тартибга солинади. ЎЗР ВМнинг 2000 йил 27 январда “Хизмат турар жойлари бериш тартиби тўғрисида Низом”, шунингдек ФКнинг 601-моддаси билан ҳам тартиб солинади.

Хизмат турар жойини ижарага олувчи ундан хизмат турар жойининг мақсадига ва шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиши, турар жойга ва коммунал хизматларга тўловларни ҳар ойда, ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тўлаши керак.

Тўлов муддати белгиланган муддатлардан кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорида, бироқ тўловнинг кечиктирилган суммасидан 50 фоиздан ортиқ бўлмаган пеня ҳисобланади.

Турар жой ва коммунал хизматлар учун тўловлар тижорат банки муассасалари ёки тўлов қабул қилиш кассалари орқали амалга оширилади.

Хизмат турар жойлари бўлиб олинishi, алмаштирилиши, брон қилиниши ва хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Хизмат турар жойини ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан ўзи эгаллаб турган хизмат турар жойига оила аъзоларини, оиланинг вояга етган барча аъзоларининг ёзма розилиги билан эса бошқа фуқароларни кўчириб киритишга ҳақлидир. Оиланинг вояга етмаган аъзоларининг кўчиб киришига бундай розилик талаб қилинмайди.

Хизмат турар жойига бошқа фуқароларнинг кўчиб киришига бир кишига тўғри келадиган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши шarti билан йўл қўйилади, вояга етмаган болаларни ва меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз ота-оналарни кўчириб киритиш бундан мустасно.

Хизмат турар жойларидан бошқа мақсадда фойдаланиш ёки уни ижарага бериш тақиқланади.

Юқорида қайд этилганидек аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жойдан фойдаланишда ижарага олувчи фақат унинг вазифаси бўйича фойдаланиши, сақланишини таъминлаши ва уни яхши ҳолда тутиши шарт. Ижарага берувчининг розилигисиз қайта қуриши ва тузилишини ўзгартиришига ҳақли эмас.

УЖКнинг 50-моддасида ижарага олувчилар ҳамда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил ёритиб берилган.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи оила аъзолари ва ўзи билан доимий яшаётган фуқароларнинг турар жойни ижарага бериш шартномаси шартларини бузганликлари учун ижарага берувчи олдида жавобгар бўлади.

Турар жойни ижарага бериш шартномасига бошқа фуқароларни киритиш муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий

шартномаси тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширилади. Агар бошқа фуқароларнинг ижара шартномасига киритилиши бу ерда яшаётганларнинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб тан олиншига олиб келса, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлган шахслар уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган майдонга эга бўлса, бундай фуқароларни ижарага бериш шартномасига киритиш мумкин эмас.

Оила таркибининг ўзгариши ижара шартномаси тегишли қисмининг ўзгаришига олиб келади.

Ижарага олувчи, у билан доимий яшаётган оила аъзолари ва фуқаролар кўйидагиларга мажбурдирлар:

- турар жойдан, ёрдамчи хоналар ва қурилмалардан, уй ён атрофидан, шунингдек умумий фойдаланиш жойларидан белгиланган мақсадда, бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг уй-жой ҳуқуқи, ўзга ҳуқуқларини камситмаган ҳолда фойдаланиш, ташқи ободонлаштириш объектларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

- турар жойларнинг сақланишини таъминлаш ва уларга тегишли ҳолатда қараш;

- авария ҳолатлари юз берганда ўзлари эгаллаб турган турар жойга тегишли таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотларининг вакиллари аварияни бартараф этиш учун киришларини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган санитария-гигиена, экологик, архитектура-шаҳарсозлик, ёнғинга қарши ва фойдаланиш талабларини бажариш;

- агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, умумий фойдаланиш жойларидан фойдаланганлик ва уни таъмирлаганлик учун қилинган харажатлар ҳамда коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаш.

“Хизмат турар жойлари бериш тартиби тўғрисида”аги Низомга асосан хизмат турар жойини ижарага олиш шартномаси муддати у имзоланган кундан ҳисобланади ва меҳнат шартномаси муддати тугаши билан биргаликда тўхтатилади, яъни хизмат турар жойлари меҳнат шартномаси амал қилиши вақтига ёки сайлаб қўйиладиган лавозимлар муддатлари тамом бўлишигача берилади.

Меҳнат шартномасида ва хизмат турар жойини ижарага олиш шартномасида номига ишончнома берилган фуқаронинг ва унинг оиласининг вояга етган аъзоларининг меҳнат шартномаси тўхтатилгач хизмат турар жойини бўшатиш тўғрисидаги мажбурияти қайд этилган бўлиши керак.

Эгаллаб турилган хизмат турар жойини бўшатишдан бош тортилган тақдирда ижарага олувчи ушбу жойда рўйхатдан ўтказилган барча шахслар билан биргаликда иш берувчининг суд тартибидаги ёзма огоҳлантиришидан бир ойдан кейин бошқа турар жой бермасдан кўчирилади.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 80-моддасида белгиланган тоифасидаги фуқаролар бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан кўчириладилар:

- I ва II гуруҳ ногиронлари;

- 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;

- ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

- ногирон фарзандлари бўлган оилалар;

- тарбиячи-ота-оналар, оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда;

- хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;

- эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;

- ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

- ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;

- хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;

- вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган фуқароларга шу Кодекснинг 9-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳамда ушбу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлган турар жой берилади.

Ушбу моддада қуйидаги талаблар кўрсатиб ўтилган:

Фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган турар жойлар.

Кўп квартирали уйлардаги турар жойларни саноат эҳтиёжлари учун ишлатиш, ижара ёки арендага бериш ман этилади. Кўп квартирали уйдаги турар жойга бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ушбу жой яшаш учун мўлжалланмаган жойлар туркумига белгиланган тартибда ўтказилганидан кейингина жойлаштириш мумкин.

Белгиланган тартибда касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди.

Агар ходимнинг ёки ишчининг меҳнат, хизмат муносабатлари тикланса, хизмат турар жойини ижарага олувчи хизмат турар жойи ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ҳам ижара шартномасини қайта тиклашда имтиёзли ҳуқуқни сақлаб қолади. Яъни имтиёзли ҳуқуқ деганда бошқа ижарачиларга нисбатан ижарага олувчи ижарага берувчи билан шартномани яна қайта тузишда кенгроқ ваколатга эга бўлади.

Хизмат турар жойнинг асосий моҳияти вақтинчалик жой билан таъминлашдир. Унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаб

Ўтмоқ лозимки хизмат турар жойлари умрбод берилмайди. Яъни меҳнат шартномаси тугагандан сўнг ёки хизмат сафари тугаши билан хизмат турар жойини бўшатиб бериши керак бўлади. Жамоат келишуви, меҳнат шартномасида хизмат турар жойи билан таъминлаш шартноманинг муддатига қараб белгиланади. Агар меҳнат шартномаси белгиланган муддатдан аввал бекор бўлган тақдирда ҳам хизмат турар жойини бўшатиб бериши керак бўлади. Шунингдек хизмат турар жойидан оила аъзолари билан фойдаланган бўлса, оила аъзолари ҳам биргаликда жойини бўшатиб беришлари керак бўлади. Хизмат турар жойини бўшатиб бераётганликларида уларга бошқа турар жой тақдим этилмайди.

Хизмат турар жойларини белгиланган муддатда бўшатиб берилмаса, унда яшовчи ижарачилар мажбурий (суднинг қарори асосида) тартибда кўчириб чиқариладилар.

Иш берувчи томонидан ходимга турар жой берилган ва бу ходим Уй-жой кодексининг 80-моддасига асосан (бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларига кўчиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар), бошқа турар жой бермаган ҳолда, хизмат турар жойларидан кўчирилиши мумкин бўлмаса, мазкур турар жой хизмат турар жойларидан ташкилотнинг талабига кўра чиқарилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда турар жойлар хизмат турар жойлардан чиқарилади:

- агар хизмат турар жойига эҳтиёж бўлмаса;
- хизмат турар жойи белгиланган тартибда яшаш учун яроқли эмас деб эътироф этилса;
- хизмат турар жойи бириктирилган ташкилот тугатилса ва ушбу ташкилотнинг ҳуқуқий вориси бўлмаса;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда жойлардаги давлат ҳокимияти органининг қарорига кўра амалга оширилади.

Хизмат турар жойи ишдан бўшаган ходимнинг ўрнига тайинланган янги ходимга берилганда турар жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимига ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органининг махсус тайинланган мансабдор шахсига хизмат турар жойлари у ёки бу шахсга иш берувчининг тавсияномасига кўра берилади. Ушбу тавсиянома меҳнат шартномаси нусхаси ва турар жойнинг ҳуқуқий тегишлилиги тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига тақдим этилади.

Уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини бирма-бир кўриб чиқсак.

Ногиронлик бу касаллик, шикастланиш, майиб мажруҳлик, бахтсиз ҳодисалар туфайли бутунлай ёки маълум муддат меҳнат қобилиятини йўқотиш тушунилади. Ногиронлик Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади. I гуруҳ ногиронларига меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган ва бошқаларнинг доимий парвариши, ёрдами, назоратига муҳтож бўлган шахслар киради. II гуруҳ ногиронларига эса меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган, лекин бошқаларнинг доимий парваришига

мухтож бўлмаган, шунингдек, меҳнат туридан қатъи назар, унда узоқ муддат ишлай олмайдиган шахслар киради. Давлат мана шундай шахсларни ҳимоялаш мақсадида турар жой билан таъминлашга ҳар доим ҳаракат қилган ва қилмоқда.

1941-1945 йилларда урушда қатнашиб ғалаба қозониб қайтиб келган фуқаролар ҳамиша давлат ардоғида ва ҳимоясида бўлган. Уларнинг ватан олдидаги хизматлари учун ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида давлат барча шарт-шароитлар яратиб беришга интилоқда. Шунинг учун уларни турар жой билан таъминлашдек давлат томонидан ижтимоий иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Шунингдек улар қаторига байналминал жангчилар (Афғонистон фуқаролик урушида қатнашган жангчилар) кириб баробар ҳуқуқлардан фойдаланадилар (турар жойга бўлган ҳуқуқ).

Ҳарбий хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари бошқа уй-жой билан таъминланганларидан сўнг хизмат уйларида кўчишлари мумкин. Бунда ҳарбий хизматчи билан ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Кейинги бандларнинг аксарияти корхона, ташкилот билан ходим (ишчи) ўртасида тузилган жамоат келишуви ёки меҳнат шартномасида турар жой билан таъминлаш шартнома бекор бўлганда ҳам ўз кучида қолиши белгиланган ҳолларда тааллуқли бўлади.

3. Махсус уйлар ва улардан фойдаланиш

“Махсус уйлар”нинг айрим объектлари ҳозирги қонунчиликнинг амалга киргунга қадар уй-жой фонди таркибига кирмас эди. Мисол учун ногиронлар учун махсус интернат уйлари. Махсус уйлар айрим тоифадаги фуқаролар учун Уй-жой кодекси ва бошқа қонунларда белгиланган тартиб ва шартларда яшаш учун мўлжалланган уйлар киради. Мазкур моддада белгиланганидек махсус уйлар жумласига қуйидагилар киради:

- ётоқхоналар;
- вақтинчалик уй жой фонди уйлари;
- ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар;
- болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар.

“Интернат” сўзи латинча сўздан олинган бўлиб (*internus* ички) мактаб ва айрим ўқув юртлири қошида ўқувчилар учун, шунингдек, ота-онасиз қолган болалар (меҳрибонлик уйлари, интернат уйлари), 1- ва 2- гуруҳ уруш ҳамда меҳнат ногиронлари, фахрийлар уйи. Ўзбекистонда интернатлар 1919 йилдан бошлаб ташкил этилган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

Болалар уйи - меҳрибонлик уйлари деб ҳам аталади. Меҳрибонлик уйлари етим ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган таълим тарбия муассасаси ҳисобланади. Етим ёки қонуний васийлар қарамоғида бўлмаган болалар, ота-оналари суд ҳукми билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум

қилинган ота-оналари воз кечган болалар учун ташкил қилинган. Меҳрибонлик уйлари 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади. Тўлиқ давлат таъминотида бўлиб, 3-7 ёшли болалар учун болалар боғчаси тартибида, 7-16 ёшли болалар учун умумий ўрта таълим мактаби тартибида ишлайди.

Ётоқхона – махсус уй-жой бўлиб, узоқ муддатга мўлжалланмаган яшаш маскани ҳисобланади. Ётоқхона мавсумий ёки вақтинчалик ишловчи шахслар, талабалар, ўқувчилар, меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахслар ва бошқаларга мўлжалланган турар жой. Ётоқхонада яшовчи шасларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мазкур кодексда фақатгина мазкур мақсад учун махсус қурилган ёхуд қайта таъмирланган уйлар берилиши мустаҳкамланган. Кўп квартирали уйлар ёки уларнинг бир кавати ётоқхона учун берилмайди. Бунинг сабаби ушбу уйда яшовчи фуқароларга ноқулайликларни келтириб чиқармасликдир. Ётоқхонадан жой берилишидан аввал хоналар унда яшовчилар учун санитария-гигиена талабларига жавоб бериши, яшаш учун шарт-шароитлар бўлиши керак.

Уй-жой Кодексининг 42-моддасида уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси белгиланган бўлиб, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жойлар фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ берилади.

Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бир киши ҳисобига ўн олти квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса - йигирма уч квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Эр-хотиндан ташқари турли жинсга мансуб шахслар бир хонага ёки бир хонали квартирага жойлаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча турар жой берилиши мумкин.

Бундай махсус уйларда ётоқхоналардан ташқари ўқув, маданий ва ташвиқот тадбирларини ўтказиш учун хоналар ва бошқа маиший хизмат хоналари бўлиши шарт. Ётоқхоналари мавжуд бўлган корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ётоқхонани таъмирлаш, унинг ҳолати ва ўрнатилган тартиб, яшовчилар ўртасида ўрнатилган тарбиявий ишлар учун масъул бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг истиқомат қилишлари, шуғулланишлари ва дам олишлари учун зарур бўлган мебель, бошқа уй-рўзғор асбоблари ва маданий-маиший буюмлар билан таъминлашлари мажбур.

Ётоқхонадан жой бериш (ўқиш ёхуд иш муддатига қараб) тартиби мазкур ётоқхонани бошқарувчи корхона, ташкилот ёки муассасанинг қарорига мувофиқ унинг томонидан бериладиган махсус ордер билан жой ажратилади.

Ётоқхонада яшовчилар эгаллаб турган жойларидан фойдаланишда ҳуқуқларидан тўлиқ фойдалана олмайдилар (хонани бўлиб беришни талаб қилиш, жойни алмаштириш, бошқа оила аъзоларини киритиш, ижарага бериш ва б.). Бироқ бошқа жиҳатдан қўшимча ваколатларга эга, мисол учун мебелдан фойдаланишда, уй-рўзғор буюмларидан, маданий-маиший буюмлардан фойдаланишда. Ётоқхоналар нафақат якка фуқаролар учун, балки оилавий ётоқхоналар ҳам мавжудки, унда оила аъзолари ҳам яшашлари мумкин бўлади.

Мавсумий иш, ўқиш ёки меҳнат шартномаси тугаганда бошқа жой тақдим этмасдан ётоқхонадан чиқариб юборилади.

Вақтинчалик уй-жой фонди тегишли уй-жой фондининг мулкдори ёки у ваколат берган органнинг қарори билан ташкил қилинади. Ушбу фонддаги уй-жойлар фуқароларнинг турар жойлари капитал ремонт ёки таъмирланиши, реконструкция муносабати билан бошқа вақтинчалик яшаш учун мўлжалланган бўлиши керак. Табиийки бу турар жойлар санитария, ёнғинга қарши ва техник талабларга жавоб бериши лозим. Қисқа қилиб айтганда, яшаш учун барча шароитлар мавжуд бўлиши керак. Капитал таъмирлаш жараёнида табиийки яшаш шароити йўқолиб вақтинчалик турар жойга эҳтиёж туғилади. Турар жойнинг мулкдори ва вақтинча яшовчи ўртасида муайян муддатга ижара шартномаси тузилиб, вақтинча яшовчи умумий қоидаларга мувофиқ турар жойдан фойдаланади.

Вақтинчалик уй-жой фондидан турар жойлар фуқароларга турар жойи капитал таъмирланиши лозим бўлган, лекин унда яшаб турган фуқароларни кўчирмасдан таъмирлашнинг имкони бўлмаган турар жойнинг ижарага берувчиси томонидан берилади.

Ногиронлар, фахрийлар ва ёлғиз қариялар учун интернат-уйлари, болалар уйлари давлат томонидан ижтимоий ҳимоя органлари томонидан тузилади ва тақдим этилади. Мазкур уйлар бундай махсус уйларда яшашга муҳтож бўлган фуқароларга мўлжалланган. Ушбу махсус уйлар қаторига шунингдек ижтимоий ҳимоя органлари тизимига кирувчи турар жойлар ҳам киради. Ижтимоий ҳимоя органларига қарашли уйлар ва бошқа махсус мақсадли уйлар муҳтож шахсларга ушбу орган таъсисчиларининг қарорига мувофиқ берилади.

Махсус уйлардан фойдаланишни тугатиш, уйларни тақдим этиш сабаблари йўқолиши билан амалга оширилади (мисол учун қариндошлариникига доимий яшаш учун кўчиб кетиши ва х.к.). Давлат ёки ижтимоий фонддаги уйларни ижара асосида эгаллаб турилган махсус ногиронлик уйлари бўшаган тақдирда, бўшаган жойлар ўрнини яшаш шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ногиронлар биринчи навбатда эгаллайдилар. Бундай ногиронлар тоифасига мутасадди идораларга мурожаат этиб навбатда турган шахслар киради.

Махсус турар жойлардан кўчириш мазкур кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ва тартибда кўчирилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек махсус турар жойлар қаторига ётоқхоналар, вақтинчалик яшаш

учун мўлжалланган уй-жойлар, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат уйлар, болалар уйлари ва бошқалар киради.

Ушбу махсус турар жойлардан кўчириш турли сабаблар ва омилларга асосан амалга оширилади. Масалан, меҳнат шартномасининг тугаши ёки хизмат сафарининг тугаши билан хизмат турар жойини бўшатиб беришлари керак бўлади. Шунингдек ётоқхоналардан ўқишни тугатиши ёки таътилга чиққан пайтда бошқа жой тақдим этмасдан кўчирилади. Қариялар уйидан ёки меҳрибонлик уйларида қариндошиникига бутунлай яшаш учун кетган тақдирда ёхуд янги оила фарзандликка олган тақдирда болага бошқа жой тақдим этмаган ҳолда кўчиралади.

Бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан қуйидагилар кўчириладилар:

- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;
- ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;
- ногирон фарзандлари бўлган оилалар;
- тарбиячи-ота-оналар, оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда;
- хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;
- эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойини берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;
- ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;
- ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;
- хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;
- вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

Ушбу тоифадаги фуқароларга яшаш учун барча шароитлари бўлган ҳамда ушбу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлган турар жой берилади.

Вақтинчалик уй-жой фонди турар жойларидан ҳам ушбу турар жойга кўчиб ўтишга сабаб бўлган омиллар бартараф этилганда: капитал таъмирлаш тугаганлиги, бошқа турар жой берилганлиги ёки олинганлиги туфайли кўчирилади. шунингдек ушбу Кодексда ва ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам амалга оширилади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда модернизация ва ислоҳ этиш жараёни қизгин кетаётган ҳозирги даврда, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида, шу жумладан, ҳуқуқий соҳада ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдир, яъни Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Бизнинг пировард мақсадимиз – инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат”¹.

Мустақиллик йилларида собиқ иттифоқ давридан фарқли равишда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доираси кенгайди, кўчмас мулклар муомалада бўлишининг ҳуқуқий имкониятлари очиб берилди. Иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши билан мамлакатимизда ҳар томонлама фуқароларимизнинг муайян соҳаларда, шу жумладан, фуқаролик муносабатларида ўзи истаган ҳолда ҳаракат қила олиши давлат томонидан кафолатлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги ўз аксини топди. Энг аввало, кишиларнинг хоҳиш-иродаси тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳамда маънавий талабларини қондиришни тушуниш мумкин. Бу талаблар орасида кишиларнинг асосий эҳтиёжларидан бири – уй-жойга бўлган эҳтиёждир. Чунки кишининг нормал ҳаёти учун албатта бошпана, турар жой зарурияти мавжуд. Уй-жой муаммоси ҳар бир давлатда юзага келадиган ҳал этилиши мушкул бўлган масалалар туркумига киради. Шу вақтга қадар ҳеч бир ижтимоий иқтисодий тизим барча эҳтиёжманд кишиларни турар-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш муаммосини ҳал эта олмаган. БМТнинг ахборотномасига эътибор қаратадиган бўлсак, дунёда бир миллиарддан ортиқ шахс уй-жой муаммоси билан қийналиб яшаб келмоқда, тўрт юз миллиондан ортиқ шахс эса умуман бошпанасиз, тайин яшаш жойига эга бўлмасдан яшаб келмоқда². Бу муаммолар ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш аввало хусусий ҳуқуқ соҳаси орқали тартибга солиниши лозим. Чунки, уй-жой муносабатларини тартибга солиш, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бориш, ҳуқуқий тартибга солиш каби муаммолар ҳам ўз ечимини топишини талаб қилади.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б.28.

² [Http://WWW/@private.com.UNreports.activelaw](http://WWW/@private.com.UNreports.activelaw).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -46 б.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Тошкент: “Маънавият”, 2008. -176 б.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон. 2009.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.// -Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

II. Қонун ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси

3. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларнинг кафолатлари

4. "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун

5. ВМ 1997 йил 2 июндаги 278-сон Қарори билан тасдиқланган "Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом

6. ВМ 2000 йил 20 январдаги 18-сон Қарори билан тасдиқланган "Уйлар ва турлар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида"ги Низом

7. ВМ 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида Уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида"ги Низом

8. ВМ 2003 йил 20 августдаги 357-сон Қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом

9. ВМ 1994 йил 28 июндаги 325-сон Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида"ги Низом

10. ВМ 2000 йил 24 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган "Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом

11. 8. ВМ 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисида"ги Низом

12. ВМ 30.12.2006 й. 272-сон Қарори билан тасдиқланган "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида"ги Низом

13. ВМ 1994 йил 28 июндаги 325-сон Қарори билан тасдиқланган "Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари"

14. ВМ 2006 йил 29 майдаги 97-сон Қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низом

15. ВМ 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисида"ги Низом

16. АВ томонидан 1999 йилнинг 1 феввалида 616-сон билан рўйхатга олинган, КХКВ томонидан тасдиқланган "Уй-жой фондининг техник эксплуатацияси қоидалари ва нормалари"

17. ВМ 30.12.2006 й. 272-сон Қарори билан тасдиқланган "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида"ги Низом

18. ВМ 1994 йил 28 июндаги 325-сон Қарори билан тасдиқланган "Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари"

19. ВМ 2006 йил 29 майдаги 97-сон Қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати

билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низом

20. АВ томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатга олинган, КХКВ, МСВ, ДАҚҚ, ДМҚ, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган "Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома

21. АВ томонидан 1999 йилнинг 1 февralида 616-сон билан рўйхатга олинган, КХКВ томонидан тасдиқланган "Уй-жой фондининг техник эксплуатацияси қоидалари ва нормалари"

22. АВ томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатга олинган, КХКВ, МСВ, ДАҚҚ, ДМҚ, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган "Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома

III. Махсус адабиётлар

1. Имомов Н.Ф. Уй-жой ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2012.
2. Имомов Н.Ф. Ислоҳотларни таъминлашда уй-жой ҳуқуқининг аҳамияти ва ривожланиши //ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. -№4.
3. Уй-жой кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ, 2007.